

5-10-2019

USING OF THE PUBLIC OPEN ONLINE COURSES IN IMPROVEMENT OF QUALIFICATION OF WORKERS OF PUBLIC EDUCATION

Rabbim Mixliyevich Yusupov
docent Jizzakh state pedagogical Institute

Begmurod Nurillayevich Qodirov
teacher Regional center for retraining and advanced training of public education workers of Jizzakh region

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Yusupov, Rabbim Mixliyevich and Qodirov, Begmurod Nurillayevich (2019) "USING OF THE PUBLIC OPEN ONLINE COURSES IN IMPROVEMENT OF QUALIFICATION OF WORKERS OF PUBLIC EDUCATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 66.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/66>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

USING OF THE PUBLIC OPEN ONLINE COURSES IN IMPROVEMENT OF QUALIFICATION OF WORKERS OF PUBLIC EDUCATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ОММАВИЙ ОНЛАЙН ОЧИҚ КУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Юсупов Раббим Михлиевич, доцент

Жиззах давлат педагогика институти

Қодиров Бегмурод Нуриллаевич, ўқитувчи

Жиззах вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш худудий маркази

Аннотация: Мақолада педагог ходимлар малакасини ошириш тизими ва замонавий таълимида оммавий очик онлайн курсларни яратиш ҳамда ундан фойдаланиш муаммоси кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: аралаш ўқитиш, оммавий очик онлайн курслар, электрон ўқитиш, таълим технологияси.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПУБЛИЧНЫХ ОНЛАЙН ОТКРЫТЫХ КУРСОВ В СИСТЕМЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РАБОТНИКОВ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Юсупов Раббим Михлиевич, доцент

Джизакский государственный педагогический институт

Кодиров Бегмурод Нуриллаевич, преподаватель

Региональный центр переподготовки и повышения квалификации работников
народного образования Джизакской области

Аннотация: В статье рассматривается вопрос создания и использования массовых онлайн курсов по современной подготовке и повышению квалификации преподавателей.

Ключевые слова: смешанное обучение массовые открытые онлайн курсы, электронное обучение, образовательные технологии.

USING OF THE PUBLIC OPEN ONLINE COURSES IN IMPROVEMENT OF QUALIFICATION OF WORKERS OF PUBLIC EDUCATION

Yusupov Rabbim Mixliyevich, docent

Jizzakh state pedagogical Institute

Qodirov Begmurod Nurillayevich, teacher

Regional center for retraining and advanced training of public education workers of
Jizzakh region

Abstract: The article discusses the issue of creating and using massive online courses on modern training and professional development of teachers.

Key words: mixed education, massive open online courses, electronic education, educational technologies.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сонли қарорида қуйидаги вазифалар белгиланган: масофадан ўқитиш усуллари асосида халқ таълими муассасалари педагоглари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш, курслардаги ўқув машғулотларини онлайн ва оффлайн шаклларида ташкил этишни янада такомиллаштириш; тегишли йўналишлар бўйича фанларнинг умумқасбий ва махсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш ҳамда улар бўйича замонавий методик, ахборот-маълумотнома базасини яратиш; буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини узлуксиз такомиллаштириб бориш; ўқув-тарбия жараёнининг амалиёт билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини сайёр машғулотлар орқали замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган таълим муассасаларида ташкил этиш; инновацион илмий ютуқларни, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда tutувчи техника ва технологияларни таълим тизимига жорий этиш[1].

Бундан кўриниб турибдики масофадан ўқитиш усуллари ва оммавий онлайн очик курсларни яратиш ва ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш энг долзар масалалардан бири ҳисобланади.

Биз, мантиғи асосан ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти билан белгиланадиган тез ўзгарувчан оламда яшайпмиз. Унинг учун эса ўқитувчилар ва талабалар авлоди ўртасидаги жиддий қарама-қаршиликнинг мавжудлиги характерлидир. Замонавий мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалар авлодини "рақамли авлод" деб номлаш мумкин. Ёшлар ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлашни таъминлайдиган кўплаб қурилмаларни эгаллаб, ахборот оқимларини тезда ўзлаштириб олиб илгари сари жадал қадам ташламоқда. Шу билан биргаликда катта ёшдагилар эса доимо қайта ўқиб, умуман тубдан ўзгарган иш ва яшаш шароитларига мослашиш зарурияти юзага келмоқда. Жамият тараққиётининг ривожланиш тенденциялари шундан гувоҳлик бермоқдаки, бугунги оламдаги муваффақиятли шахс - бу зарур маълумотларни тезда топиб, турли муаммоларни ҳал қилиш учун уларни самарали қўллаш имкониятига эга бўлган шахсдир.

Ахборотлашган жамият хусусиятлари билан шартлашилган таълим оламидаги сифат жиҳатидан янги ҳодисалардан бири -бу оммавий очик онлайн курсларнинг кенг тарқалиши ҳисобланади. Таълим соҳасидаги мутахассислар оммавий очик онлайн курсни 2028 йилгача таълимни ривожлантиришнинг энг истиқболли ўттизта йўналишларидан бири деб атаганлар [2].

Оммавий очик онлайн курс - масофавий таълим технологияларини тадбиқ этишининг энг самарали усулларида бири, интерфаол иштироки ва эркин фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган онлайн курс. Биз оммавий очик онлайн курсдаги ҳар бир сўзнинг мазмун ва моҳиятини қараб чиқамиз.

Оммавийлик - курс иштирокчилари сони етарлича катта (таълим олувчилар сони 1000 га яқин ва ундан ҳам кўп). Очиқлик - тўлиқ ёки қисман бепул таълим. Онлайн машғулот, ҳам асинхрон (вақт бўйича тақсимланган) ва ҳамоҳанг (муסיқа, видео кўнғироқлар) таълим моделлари ёрдамида онлайн режимида амалга оширилади. Курс - муаллиф ўз вазифаларига боғлиқ бўлган курснинг муайян тузилмасини яратади. Тузилма муайян иштирокчиларнинг эҳтиёжларига мослаштирилиши мумкин.

Биринчи йирик онлайн курслардан бири «Амалиётларни, тамойиллари ва стратегияларни баҳолаш» 2008 йил кузида ўтказилди. Унинг муаллифи Даниэл Хикей Индиана университети профессори бўлиб, оммавий очик онлайн курсни 500 нафар талабани ривожлантириш ва ўқитиш учун Google компанияси томонидан маблағ билан таъминлади. Курс натижалари ижобий бўлган[3].

Россияда эса 2013 йил охирида оммавий очик онлайн курснинг фаол тадбиқи бошланган. Аммо, 2014-2015 ўқув йилида кескин узилиш бўлган. Оммавий очик онлайн курс ни амалга оширишга мўлжалланган маҳаллий ва хорижий платформаларда ўнлаб турли хил курслар бутунги кунда фаол ишламоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, бутунги кунда бу кўп жиҳатдан мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасаси талабаларини ўқитиш учун мўлжалланган ҳақиқий курслар эмас, балки оммавий очик онлайн курсни ташкил қилиш ва ўтказиш қоидаларини синаб кўриш ва такомиллаштириш, муаммоларни баҳолаш ва такомиллаштириш, у хатоларни олдини олиш учун уни ишлаб чиқувчилар томонидан олиб борилаётган тажрибавий курслар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ёрбдаги оммавий онлайн курсларни истеъмолчилар – бу:

-олий ва ўрта махсус билим юртлиари янги ўқув дастурларини амалга оширишда ўзларининг брендларини тарғиб қилишни таъминлайдиган курсларни амалга ошириш орқали, қобилиятли ёшларни тайёрлаш, қўшимча маблағ олишга имкон беради.

-талабалар учун қулай бўлган темп ва шароитда (асосан, асосий ишдан ажралмаган ҳолда) турли хил касб-ҳунар фаолият соҳаларида сертификат олиш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимидан фойдаланилади.

Одатда очик онлайн курсларнинг таълим модели қуйидаги схемага асосланиб қурилади:

1. Талабалар оммавий очик онлайн курснинг мустаҳкамлаш учун инфографика намойиши слайдлари ва методик материаллар билан тўлдирилган веб-сайтда маърузалар тинглайдилар.

2. Ўқитувчидан олинган топшириқларни қулай вақтда мустақил равишда бажариш. Бу қўшимча китобларни ўқиш, Интернет-ресурслар билан ишлаш, иншо

ёзиш, кичик тадқиқот бўлиши мумкин. Оралик ва якуний текшириш топшириқларини топшириш белгиланган муддатларда амалга оширилади.

3. Талабаларга маслаҳат бериш ва ўтилган ўқув материални муҳокама қилиш учун интерактив форумлардан фойдаланилади.

4. Бундай курсларнинг муҳим педагогик ғояси - бажарилган топшириқларни ўзаро текшириш ҳисобланади. Курс иштирокчилари, одатда, ўз ўқувчиларининг 5 та ишини текширади, шарҳлар ёзади ва шу тариқа, репродуктив орқали эмас, балки самарали баҳолаш фаолияти орқали материалларида ишлашни давом эттиради.

5. Оммавий очик онлайн курсга кўра, якуний баҳолаш (тест ёки лойиҳани топширишни амалга ошириш) амалга ошириш ва ўқув ташкилоти - курсни ташкил этувчи томонидан берилиш таъминланади.

Оммавий очик онлайн курслар, кўплаб муҳим ижобий хусусиятларга эга. Улар таълим олиш қобилиятини шакллантиришга, узлуксиз таълимга, "бугун ҳаёт давомида ўрганиш" нинг замонавий моделини жорий этишга йўналтирилган. Ўқитишнинг мослашувчан тарзда (курсни танлаш, мустақил иш мавзуси, топшириқларни бажариш усули) муайян вақт оралиғида ташкил этиш ҳар бир ўқувчининг таълим йўналиши бўйлаб ҳаракатланишига имкон беради[4].

Курсларни қуришда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш (АКТ ни кенг қўллаш, танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиядан фойдаланиш, лойиҳа технологиясига мўлжал олиш ва бошқалар) ўқув жараёнини шахсга ва фаолиятга йўналтиради, ўқувчи аслида ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айланади.

Талабалар илғор таълим олиш имкониятига эга бўлишлари, етакчи университетларининг энг яхши ўқитувчилари билан танишиш имконига эга бўлишлари мумкин. Талабалар портфоляси шакллантирилади (бажарилган вазифалар, уларга рецензия ва тақризлар), келажақда кейинги илмий ва таълимий траекториялар ва иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Оммавий очик онлайн курс Coursera дастурини (coursera.org) амалга ошириш учун энг машҳур хорижий платформаларидан бири ҳар бир киши учун бепул онлайн курсларни таклиф этади. Платформадаги курслар дунёнинг етакчи университетлари ва таълим муассасалари томонидан яратилган ва ишлаб чиқарилган. Талаба қисқа видео маърузалар (4-5 мин.), интерфаол назорат қилиш вазифаларини бажаради, дўстлари ишини баҳолайди ва форумдаги бошқа ҳамкурслар ва ўқитувчилар билан мулоқот қилади.

Оммавий очик онлайн курсни яратиш педагог-психолог Бенджамин Блум томонидан ишлаб чиқилган ёндашувга (эслаш, тушуниш, бажариш, таҳлил қилиш, синтез, баҳолаш) асосланади, ўқув предметининг босқичма-босқич ўзлаштирилиши эса таълим олувчиларга янги материалларни ишлаб чиқишдан олдин материалларни тўла-тўқис тушунишга ёрдам беради. Coursera да эса бажарилган тестларга дарҳол изоҳлар берилади. Кўпгина ҳолларда, бир хил вазифани тасодифий танлаб олинган версиялари талабанинг материални яна бир бор

ўрганиш ва тест топшириғини бажариш имконига эга бўлиши учун тақдим этилади[5].

Кўплаб курслар компьютер ёрдамида автоматик баҳолаш учун қийин топшириқларни тақдим этади. Шу сабабли, бажарилган ишларнинг ўзаро баҳолари қўлланилиб, бу ўқувчиларга бошқа одамларнинг иши ҳақида мулоҳаза юритиш ва мулоҳаза бериш имконини беради. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу услубни қўллаш натижасида курс қатнашчиси бошқа таълим олувчиларнинг ишларини баҳолашда ўзларининг ишларини ва қимматли тажрибаларини аниқ баҳолайди.

Оммавий очик онлайн курснинг бир қисми сифатида Coursera платформасида одатда бешта блок мавжуд: ахборот, тренинг-амалий, назорат, ташкилий, коммуникатив. Курсни яратувчилар курс билан ишлаш қоидаларини, режалаштирилган натижани ва ушбу натижага эришиш йўллари тавсифловчи ташкилий блокни ишлаб чиқишга катта эътибор беради.

Россияда оммавий очик онлайн курсни яратиш бирмунча тажриба тўпланган. Жумладан 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб universer (<http://universarium.org>) платформасида қуйидаги курслар ўқитила бошланди - булар "Оилада ижодкорликни тарбиялаш" курслари; "Ақлли нарсалар", "Рақамли журналистика". Булар "Рақамли журналистика" курслари жуда қизиқарли курслар бўлиб ҳисобланади. Universarium даги барча курслар орасида бу курс модулли тузилишга эга.

Ушбу курс муҳим аҳамиятга эга, чунки журналистика ва таълим соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот тақдим этиш усуллари кўп жиҳатдан кенг тарқалган. Журналистикда ахборотни тақдим қилишда ҳозирги вақтда ахборотни тизимлаштириш ва қуриш, уни тақдим этишнинг самарали график усулларидан фойдаланишни назарда тутадиган инфографика орқали амалга оширилмоқда. Метафизика бўйича таълим натижаларига эришиш учун ўқув машғулотларида инфографика қўлланилмоқда. Курс давомида талаба маърузалар билан шуғулланади, тестларни ўтказди, уй вазифаларини тайёрлайди ва курс бўйича ҳамкурслари ишларини текширади. Ушбу курсни ўзлаштириш жараёнида талабалар интервью учун мақола ва эслатмани тўғри ва мантиқий ёзиш имкониятига эга.

Бугунги кунда оммавий очик онлайн курсларга педагог ходимлар малакасини ошириш тизимида талаб жуда катта. Уларни қўллаш ўқитувчига замонавий ахборот - таълимий муҳитда "сузиш" имконини беради, уларни таълимга бошқача нуқтаи назардан қарашга ва энг мақбул ҳолатда ўз касбий фаолиятини қайта кўриб чиқишга мажбур этади. Малака ошириш тизими учун мўлжалланган оммавий онлайн курслар республикамизда деярли йўқ.

Шунинг учун бугунги кунда педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига оммавий очик онлайн курсларни жорий этиш учун;

1) Барча даражадаги педагог ходимлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган оммавий очик онлайн курсларни ишлаб чиқиш билан интезив равишда шуғулланиш лозим.

2) Оммавий очик онлайн курс орқали ўқув модулларини муваффақиятли ўрганиш ва ўз-ўзини ташкил этишнинг юқори даражасини ва АКТ- компетентлик даражасини талаб қилади.

3) Модул материалларини лойиҳалашда оммавий очик онлайн курс ва уларнинг яратилиши учун турли мутахассислар иштирок этиши керак. Ўқитиш натижалари баҳолашга қаратилган тестлар ва бошқа материалларни лойиҳалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

4) Сифатли видео жуда зарур, айниқса, замонавий ўқитувчиларни камера олдида ишлашга ўргатиш жуда муҳим.

References:

1. Sh.M.Mirziyoev, “Xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-3289-sonli qarori. 26.09.2017 yil.

2. Bugaychuk K. Massovыe otkрытые distansionные курсы: istoriya, tipologiya, perspektivy // Vysshee obrazovanie v Rossii. 2013. – № 3. – S. 148–155.

3. Kak prodат obrazovanie v Internetе: intervyyu Eleny Masolovoy (Eduson) s Dafnoy Koller (Coursera) [Elektronnyy resurs]. URL: <https://www.eduson.tv/blog/coursera> (data obrasheniya 24.11.2014).

4. Sentr obrazovatelных razrabotok SKOLKOVO vypustil novoe issledovanie «Epoxa „grinfilda“ v obrazovanii» // Skolkovo : Moskovskaya shkola upravleniya. 10 oktyabrya 2013 : [sayt]. URL: <http://www.skolkovo.ru/public/ru/research/news-research/item/3891-2013-10-10-15/> (data obrasheniya 20.02.2015)

5. Qodirov B.N, Ta’limda ommaviy onlayn kurslaridan foydalanish istiqbollari. Samarqand Davlat Universiteti Ilmiy Axborotnomasi, №4(110)2018. –B.126.